

Наманганда бу йил ҳам галла мўл бўлди. Далалар деҳқон учун олтин сақдигини очиб, ўз хазинасини аямади.

Галла майдонлари кенгайиб, 74 минг гектарга етди. Ҳар гектардан 48,7 центнердан ҳосил етиштириб, 360 минг тоннадан зиёд хирмон уюш ва унинг 203,5 минг тоннасини давлатга сотиш мўлжалланган эди. Қуни кеча вилоят деҳқонлари сўзларининг урғулини чикишти. Қабул пунктларига топширилган галланинг 18,5 минг тоннаси уруғлик бўғдой бўлди. Вилоят бўйича ўртача ҳосилдорлик 49 центнерга етди. Бу ўтган йилги натижадан қариб 3 центнер кўп.

Урим-йиғимнинг муваффақиятида меҳнат ва дам олиш шароитларининг юқори даражада ташкил этилгани, комбайнларнинг яхши таъмирлангани, гуруҳлар ва транспортчилар иши талаб даражасида йўлга қўйилгани катта ўрин тутди. Мавсумда 236 комбайн ишлатилди, шулар

Хирмон тўлиб тошди

нинг 109 таси "Кейс" русумли эди. Ҳозиргача "Кейс"лар билан 53 минг гектарга яқин майдондаги галла ҳосили саранжомланди.

—Бир кеча-кундузда 22-23 соатгача ишлаган пайтларимиз бўлди, — дейди Чортоқ туман МТП "Кейс" оператори Мансуржон Иномжонов. — Қулик натижа ўттиз тоннадан бемалол ошиб кетди.

Наманган юқори ҳосилли галлакор вилоят. Лекин шундай туманлар ҳам борки, бу кўрсаткич 60 центнердан юқори. Чунинчи, Учқўрғон туманида 61,5 ва Тўрақўрғонда

60,6 центнердан галла йиғиштириб олинди. Норин ва Наманган туманларининг деҳқонлари ҳам 60 центнерлик марра учун курашмоқдалар. "Ўзбекистон муқтазиллигининг беш йиллиги" (Чортоқ, "Наврўз" (Тўрақўрғон), "Кўчкор ота" (Учқўрғон) ширкат бўғдойчилик бўлими кўрсаткич 65-70 центнердан ошиб кетди.

Ҳосилдорлик ҳақида гап кетса, фермерлар шижоати-ни алоҳида тилга олмоқ лозим. Улар йил бошида 52 центнерлик хирмон учун кураш бошлаган эдилар. Қишлоқ

мулкдорлари тасарруфидида 34,6 минг гектар галлазор бўлиб, улар 181 минг тонналик хирмон уюшга аҳд қилганлар. Шундан 94 минг тоннаси давлатга сотилди.

Вилоятда шартнома режаси бажарилди, ўрим-йиғим эса кизгин давом этмоқда. Хали 20 фойз майдондаги ҳосилга ўроқ тушгани йўқ, шимоллик минтақадаги Чортоқ, Янгиқўрғон, Қосонсой, Чуст туманларида комбайнлар шитоб билан ишламоқда.

Рустамжон УММАТОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Донимиз — нонимиз

(Боши 1-бетда)

Илгор фермер хўжалиқларида эса ҳосилдорлик 60-70 центнердан ошди.

Кейси бўлмаган бу ютуқларда галлачилик хўжалиқларининг моддий-техника таъминотини кескин яхшилаш борасида қўрилган чоралар салмоқли ўрин тутди. Қўрбошимизнинг гамаўриликлари, эътиборларини тўғри фермерларга имтиёзли кредитлар актралтирмоқда. Банк тизими қўриб-қотибларга даражада ташкил — Яқин-яқинларгача ўзaro хисоб-китоб операциялари 20-25 кунлаб, гоҳида ундан ҳам кўпроқ

муддатга чўзилиб кетарди, — дейди Марказий банкнинг мониторинг сивсати ва иқтисодий таҳлил департаментининг директори Алижон Йўлдошев. — Ҳозирги кунларда бундай юмушларни ўрнига қўйиб бажариш учун 5-10 дақиқа етарли бўлаётди. Хизмат кўрсатиш бевосита фермерларга қўйилган бўлди. Бунинг учун қишлоқларда қўшимча 260 та мини-банк ташкил этилди. Тежажон вақт меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қила бошлади.

"Пахта Банк"нинг ўзида бу мавсумда галла етиштириш учун фермерларга 9 миллиард сўм имтиёзли кредит берди. Улар ли-

зинг асосида 3,4 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик техникаси олишди.

Бугун Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм, Самарқанд вилоятларининг галлакорлари дон сотиш бўйича ўз шартнома мажбуриятларини бажаришди. Бошқа вилоятлар шитоб билан маррага яқинлашиб келишмоқда. Сарисоё, Балқичи, Асака, Учқўрғон, Тўрақўрғон, Қува, Тошлоқ каби унлаб туманларда галла ҳосилдорлиги 55-60 центнерга етиб бормоқда. Қўлаб ширкат хўжалиқлари 60-70, фермерлар эса

хар гектардан 75-85 центнердан бугдой етиштиришди.

Етиштирилган ҳосилнинг сифати — алоҳида мавзу. Йилгириги йиллари истеймоқбон бугдой қабул қилиб олинган ялли доннинг 70-77 фойзини ташкил этарди. Бу мавсум ана шу муҳим кўрсаткич 85 фойздан ошажаги кутилмоқда.

Бугун галлакор қаддини фоз тугиб, енгил нафас олмақда. Саббаки, ҳосил йиғиб олинди, марра эгалланди. Бошқача қилиб айтсак, шартнома бажарилиб, ўз омонларини донга тўлди. Демакки, ҳондорларимиздан йил-ўн икки ой нон ҳиди аримайди.

Жўра САБДУЛЛАЕВ,
Шавкат ОРТИКОВ,
Саид РАҲМОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Хонадонда хурсандчилик. Ҳовли тўла оғайнию қариндошлар. Фафур деҳқон невараларини тўй қилаяпти. Дастурхонлар кенг ёзилган. Тандирдан узилган ширмови нонларнинг иси димоқини қитқилдайти. Йиғилганлар тўрдаги икки қариянинг суҳбатини жимгина ўтириб тинглашапти.


—Усмонжон, одамлар омондаги донни кўриб, шахсий тегирмонларнинг ишлашини кузатиб, ёқамни ушлаймай. Қувончим кўксимга сиймай турибди-я. Шу кунларга етказганига шукр дейман.

Унга дўсти Усмон қўшилди.

Шукрона

—Эсингиздами, қориз сувига кузги дон экиб, ундан ҳосил етиштирар эдик. Урим-йиғим кўлда бажарилар, хирмонни хўкизларга қўшилган чарх, от ёки эшаклар ёрдамида тўйиб олардик. Аммо шунча меҳнат эвазига етилган доннинг бир сикимини ҳам ўзимизда қолдирмасдик.

—Собик тузум колхознинг галлар эдик. Ҳозир уни икки соатда давридаги бир ласини уч ойча ги комбайнлар йиғиштириб беради.



ТАККОС

Сўзни яна Усмон деҳқон илиб кетди: —Галлазордан машоқ төрган болаларнинг аҳволи ёдингиздами? — дейди у. — Оналариға кўмакка борган гўдаклар кўзида кўрқув ва ҳадик ҳўкмор эди ўшанда.

—Ха, ха, эсимда, — деди Фафур қария бошини чайкаганча. —Бригадир яланг оёк машоқчиларни бир неча қўй оша қувларди, улар бир неча чакиримлик йўлни пиеда босиб, бир аҳволда қишлоққа қайтишарди бечоралар, — деди Усмон деҳқон.

—Яна бир гап, — нимадир асига тўшгандек сўз бошлади Фафур бобо. — Ботирни билсан, ердан ҳаскаш билан шилириб олган бир қанор қоп сомон учун беш йилга қамалиб кетганди-я. Ана зўравонлик.

Ҳозир-чи? Аҳвол бутунлай бошқача. Шу кунларга етказганига шукр. Муқтазиллик озод ва эркин меҳнатга чорлади. Фермерлик мамлакат бўйлаб кенг кулоч ёзди. Шартнома шартларини бажарганининг ошиғи олчи. Лизингга техника, имтиёзли кредит берилляпти. Бу эса фермерларнинг қалбини шод этмоқда. Топгани ўзиники, ҳалол меҳнат хазина ашигини очиб кўйди. Юз миллион соф даромад олсангиз ҳам солигини тўлайсиз, қолгани ўзингизники. Бу мўъжиза, бу хурлик белгиси, бу қонунларимизнинг ҳаётийлигидан, мамлакат истиқболининг ёрқинлигидан далолатдир.

Келинг, бир мисол келтирайлик. Масалан, Хатирчи туманидаги "Тўзал Маржона" фермер хўжалиғига бир назар ташланг. Нўсир Эшмуродов етакчилик қилаётган бу жамоа 180 гектар галлазордан 1080 тонна дон олди. Ҳосилдорлик гектар бошига 60 центнерни ташкил этди. Мамлакат хирмониға 480 тонна галла топширилди. Шундан 340 тоннаси уруғлик. Деҳқонлар омонда 600 тонна дон қолди. Бир йилда ҳосилдорлик гектар бошиға 5 центнерға ошди.

Зарафшон дарёсининг баланд қисмида жойлашган бу фермер хўжалиғи айна кунларда 280 гектар пахта майдонида самарали иш олиб бормоқда. Улар 784 тонна пахта ҳосили олиш ниятидалар.

Шу тумандаги "Ассалом" фермер хўжалиғи деҳқонлари ҳам 49,6 гектар галлазорнинг ҳар гектаридан 60 центнердан, жами 298 тонна дон тайёрладилар. Шунинг 160 тоннаси давлатга сотилди, қолган 138 тонна кирмизи дон деҳқоннинг ўзига қолди. Омонри ризқ-рўз билан тўлиб-тошди.

Бугун Хатирчи туманида сўзи билан иши бир, деҳқончилик илмини олган забардаст фермерлар кўлаб топилди. Улар галлачиликда ўзларига хос мактаб яратдилар.

...Нуроталик саксон ёшли Фафур Наврўзов ва Усмон Бобо-жоновларнинг ўтмишдаги воқеалар ҳақидаги ҳикояларини галлачиликдаги бугунги эврилишлар билан таққосланг. Хуррият даврида Ўзбекистон фермерларининг галла хирмони фазогириниғ қосмоси забт этиши билан баравар десак, муболаға бўлмас.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ВА ЖИЗЗАХ:

Марра эгалланди

Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятини галлакорлари ҳам бошоқли дон сотиш давлат буюртмасини ошириб адо этдилар.

Жиззахлик деҳқонлар 219 минг тоннадан зиёд, Оролбўйи галлакорлари эса 64 минг тоннадан ортик дон сотишга муваффақ бўлишди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятларида қолган ҳосилни ўриб-йиғиб олиш давом эттирилмоқда.

А. ИСМОИЛОВ

(Қорақалпоғистонлик ва Жиззахлик галлакорларнинг меҳнат муваффақиятлари ҳақидаги мақолалар билан газетамизнинг навбатдаги сониди батафсил танишасиз.)

Қутлуғ замин инъомлари



Ҳозирга қадар жами ўриб-йиғиб олинган дон салмоғи 603,3 минг тоннадан ошиб кетди. Унинг қариб 475 минг тоннаси аҳоли омонда қолди. Бу миқдор яна ортиши мумкин. Чунки галлазорларда ҳали ўрим-йиғим мавсуми давом этмоқда. Мутахассисларнинг таҳлилларига қўра, бу йил ҳақида 800 минг тоннадан зиёд дон жамғирилиши мўлжалланмоқда.

Вилоят ҳокимлиғи аграрно-соҳа мажмуиси котибияти мудири Абдуманон Примовнинг хисоб-китобларига қараганда, ўтган йиллардаги нисбатан анча мўл ва салмоқли дон хирмонлари яратилляпти. Бунда ер, сув ва меҳнат ресурсларидан тежамли фойдаланилганлиғи, яхши уруғлик танланганлиғи қўл келди. Урим-йиғим юмушлари кўнгилдагидек ташкил этилиб, техникадан унумли фойдаланилди. Ҳосилдорлик сувли майдонларда ўтган йилги 37,1 центнердан 50 центнерға кўтарилди. Шу боис галлачиликнинг ўзидан 61,2 миллиард сўм даромад олинди. Соф фойда эса 20 миллиард сўмға етди. Рентабеллик даражаси 49,6 фойза кўтарилди. Вақолалик, ўтган йилги галлачиликдан 48,2 миллиард сўм даромад ва 14,5 мил-



лиард сўм фойда олинган эди.

Таҳлиллар шунини кўрсатмоқда, воҳода тайёрланган доннинг қариб 75 фойзи фермерлар хиссасига тўғри келмоқда. Эрта кўзда 12,5 минг фермер гайрат камарини маҳум боғлаб ерга уруғ сочган эди. Уларнинг бугунги бўлик ҳосилдан кўнгиллари осмон.

Қарши тумани ҳокими Сайфулла Ҳайруллаев фермерларнинг афзаллиғи ҳақида гапириб, Рустам Жўраевни бизга таништирди. Истара-си иссиқ бу йилнинг гайрат-шижоати юз-кўзида акс этиб турибди. Рустамжоннинг "Нуробод" фермер хўжалиғида 25 гектар ернинг ҳар гектаридан 62 центнердан дон олинди. Ўриб-йиғиб олинган 155 тонна доннинг 72 тоннаси давлатга сотилибди. Қолгани ўзлариники. Бундай маънафадорлик қияни моннатга ундамайди дейсиз. Тумандаги собиқ "Чароғил" ширкат хўжалиғи ўрнида иш бошлаган 124 фермер хўжалиғининг ҳаммаси бу йил галлачиликда яхши натижаларни қўлга киритди. Йилги бу ҳудудда бор-йўли 1000 тонна атрофида дон етиштирилган. Эндиликда бу миқдор икки хисса ортди — 2130 тонна дон тайёрланди.

—Давлатга 50 тонна уруғлик дон сотдик, — дейди "Меҳр" фермер хўжалиғи раиси Нодир Номозов. — Уруғлик дон тайёрлаш масъулияти фермерлар зиммасига юкланганда биз гоят хурсандимиз. Энг муҳими, фермерларнинг тақрибаси ортиб, аграр соҳанинг барча тармоқларида ўзига хос ўрин эгалламоқда.

Яқинда Қўрбошимиз Қашқадарёга келганларда галлачиликда ўзига хос мактаб яратган деҳқон, Қарши туманидаги "Бешкеит" хўжалиғи гулраткичи Пада Ҳасанов билан учрашиб, унинг фойдалиғига юксак баҳо берган эди. Ҳар гектар ердан 70 центнердан ошириб ҳосил

Эл ризқ-насибаси

Қашқадарёда бу йил доннинг мўлликдан хирмонлар қадди баланд. Гарчи 205 минг гектар ерни эгаллаган галлазорлардаги ҳосил ҳали тўлиқ ўриб-йиғиб олинмаган бўлса-да, аллақачон омонлар донга тўлди. 335 минг тонна дон давлатга топширилгани ҳақидаги хўшхабар кўнгиллардан кўнгилларға кўчди. Деҳқон дўпписини қўлиға олиб, пешонасидаги реза-реза терини артди-да, чамач-чўт қилди. Кейин ширин энтиқди. Гўё олқасидаги оқ енгиллашгандек бўлди.

Ҳозирга қадар жами ўриб-йиғиб олинган дон салмоғи 603,3 минг тоннадан ошиб кетди. Унинг қариб 475 минг тоннаси аҳоли омонда қолди. Бу миқдор яна ортиши мумкин. Чунки галлазорларда ҳали ўрим-йиғим мавсуми давом этмоқда. Мутахассисларнинг таҳлилларига қўра, бу йил ҳақида 800 минг тоннадан зиёд дон жамғирилиши мўлжалланмоқда.

Вилоят ҳокимлиғи аграрно-соҳа мажмуиси котибияти мудири Абдуманон Примовнинг хисоб-китобларига қараганда, ўтган йиллардаги нисбатан анча мўл ва салмоқли дон хирмонлари яратилляпти. Бунда ер, сув ва меҳнат ресурсларидан тежамли фойдаланилганлиғи, яхши уруғлик танланганлиғи қўл келди. Урим-йиғим юмушлари кўнгилдагидек ташкил этилиб, техникадан унумли фойдаланилди. Ҳосилдорлик сувли майдонларда ўтган йилги 37,1 центнердан 50 центнерға кўтарилди. Шу боис галлачиликнинг ўзидан 61,2 миллиард сўм даромад олинди. Соф фойда эса 20 миллиард сўмға етди. Рентабеллик даражаси 49,6 фойза кўтарилди. Вақолалик, ўтган йилги галлачиликдан 48,2 миллиард сўм даромад ва 14,5 мил-

лиард сўм фойда олинган эди.

Таҳлиллар шунини кўрсатмоқда, воҳода тайёрланган доннинг қариб 75 фойзи фермерлар хиссасига тўғри келмоқда. Эрта кўзда 12,5 минг фермер гайрат камарини маҳум боғлаб ерга уруғ сочган эди. Уларнинг бугунги бўлик ҳосилдан кўнгиллари осмон.

Қарши тумани ҳокими Сайфулла Ҳайруллаев фермерларнинг афзаллиғи ҳақида гапириб, Рустам Жўраевни бизга таништирди. Истара-си иссиқ бу йилнинг гайрат-шижоати юз-кўзида акс этиб турибди. Рустамжоннинг "Нуробод" фермер хўжалиғида 25 гектар ернинг ҳар гектаридан 62 центнердан дон олинди. Ўриб-йиғиб олинган 155 тонна доннинг 72 тоннаси давлатга сотилибди. Қолгани ўзлариники. Бундай маънафадорлик қияни моннатга ундамайди дейсиз. Тумандаги собиқ "Чароғил" ширкат хўжалиғи ўрнида иш бошлаган 124 фермер хўжалиғининг ҳаммаси бу йил галлачиликда яхши натижаларни қўлга киритди. Йилги бу ҳудудда бор-йўли 1000 тонна атрофида дон етиштирилган. Эндиликда бу миқдор икки хисса ортди — 2130 тонна дон тайёрланди.

—Давлатга 50 тонна уруғлик дон сотдик, — дейди "Меҳр" фермер хўжалиғи раиси Нодир Номозов. — Уруғлик дон тайёрлаш масъулияти фермерлар зиммасига юкланганда биз гоят хурсандимиз. Энг муҳими, фермерларнинг тақрибаси ортиб, аграр соҳанинг барча тармоқларида ўзига хос ўрин эгалламоқда.

Яқинда Қўрбошимиз Қашқадарёга келганларда галлачиликда ўзига хос мактаб яратган деҳқон, Қарши туманидаги "Бешкеит" хўжалиғи гулраткичи Пада Ҳасанов билан учрашиб, унинг фойдалиғига юксак баҳо берган эди. Ҳар гектар ердан 70 центнердан ошириб ҳосил

олиш сир-синоатлари ҳақида у Президентимизга тўлиққилиб сўзлаб бераётган, ўзи эгаллаб турган 26 гектар ерда фермер хўжалиғи тузилганида муваффақиятлари бундан-да салмоқли бўлишини билдирган эди. Демак, Қашқадарёда фермерларнинг афзал хўжатлари нафақат пахтачиликда, балки галлачиликда ҳам яқоли намён бўлган.

Ястаниб ётган чўл ҳудудида жойлашган Миришкор туманида йилги пахтачилик ва галлачиликда деярли яхши натижаларга эришилган эди. Ери қароқ, ориқ, шўр дея эътироф этилган Миришкор кенгликларидида бугун фермерлар қўлга киритяётган натижалар анча салмоқли. Айни вақтда туман ҳудудида 2000 нафардан ортик фермер хўжалиқлари фаолият кўрсатмоқда.

Туманда 40300 тонна ўрниға 42277 тонна дон тайёрланди. Бу хирмоннинг қариб 36 минг тоннаси фермер хўжалиқлари хиссасига тўғри келмоқда.

Айниқса, "Чандир" мавзесидаги 71 та фермер хўжалиғининг сай-ҳаракатлари бугунги кун талабига мос тарзда олиб борилмади. Фермер имконияти имтиёزلардан ўрнида фойдаланиб, муваффақиятга эришиши мумкин. Лекин унинг қалби уйғок бўлмас, юраги ёнамас, ундан янгилик ҳам, ташаббус ҳам чиқмайди. Бу шу ҳудуддаги "Янгибўй" фермер хўжалиғи раиси Мухтор Шароповнинг гаплари. Унинг 42 гектар галлазоридида бу йил ҳам чўнмамо ҳосил бўлдики, давлатга 86 тонна ўрниға 114,2 тонна дон сотилди.

Бозор ЭРҚОРОВ,
Фахриддин БОЗОРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Шартнома бажарилди, қолгани деҳқонники

Тошкент вилоятини галлакорлари катта меҳнат галабини қўлга киритдилар. Давлатга дон сотиш йиллик шартномасини режаси ошириб бажарилди.

Давлат қабул пунктларига 268700 тоннадан ортик сара дон етказиб берилди. Шундан 16500 тоннаси уруғлик дондир. Вилоят бўйича ҳосилдорлик 41 центнердан ошди. Даромад ҳам шунга яраша бўлиши қўлаётди. Бу йил тошкентлик деҳқонлар галлачиликдан 44 миллиард сўм даромад олиш-ни қўлашган. Бунинг етти миллиард сўми соф фойдалидир.

Бу йил вилоят деҳқонлари жами 129500 гектар, шу жумладан, 115500 гектар майдонда ҳосил етиштирдилар. Галлачиликдаги тақриба — минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш, экинни омондорлик билан сифатли суғориш ўз натижасини берди.

Вилоятнинг галла хирмониға Тошкент, Чиноз, Зангиота, Бекобод, Қиррай, Қўйи Чирчик, Бўжа туманлари йилги қўшма катта хисса қўшдилар.

Эътиборли жиҳати бу йил вилоят деҳқонлари ишға жиддий ёндашиллар, мавҳуд имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланишға ҳаракат қилдилар. Чин дилдан қилинган меҳнат бесамер кетмас экан. Ўтган 2004 йилда 135000 гектар майдонда галла етиштирилиб, 256200 тонна дон олинган, ҳосилдорлик 38,5 центнерни ташкил эт-

ган эди. Бу йил ўтган йилға нисбатан 5,5 минг гектардан кам майдонда галла экилган бўлса-да, ҳосил салмоғи ва унумининг кескин кўтарилиши натижасида ўтган йилға нисбатан анча кўп 268700 тонна дон етиштирилди. Ҳосилдорлик ўртача 41 центнерни ташкил этди.

Эришилган бу улкан меҳнат ютуғи замирида лафзи ҳалоллик, азму-шижоат, изланиш ва интилиш бор. Шунингдек, илгор агротехник усулларға таяниб иш тутиш, энг муҳими, одамларнинг ўз меҳнати-дан маънафаддорлиғини оширишға қаратилган эътибор меҳнат галабасига эришишда асосий омил бўлди.

Кўпгина меҳнат жамоалари ушбу катта хирмонға ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар. Шу ўринда Қўйи Чирчик туманидаги "Ўзбекистон 5 йиллиғи", Қўб-

рай туманидаги "Маданият", "Байтўрғон", Янгиўл туманидаги "Дўстлик", Юқори Чирчик туманидаги "Тўлиқсон", Оққўрғон туманидаги "Ўзбекистон", Зангиота туманидаги Ақмал Икромов номи ва бошқа ўйлаб ширкат хўжалиқлари номига тилға олиш жоиз.


Ушбу хўжалиқлардаги аксарият гулратилган гектаридан 50-60 центнердан ҳосил кўтаришға муваффақ бўлишлар.

Масалан, Янгиўл туманидаги "Дўстлик" ширкат хўжалиғи ижарачиси Бахтиёр Мавлонов ҳар гектар майдондан 83 центнердан, Қиррай туманидаги "Байтўрғон" ширкат хўжалиғи аъзоси Ҳайрулла Ризаев 61 гектар галла майдонидида 52 центнердан ҳосил йиғиштириб олди.

Етиштирилган ҳосилни тез суръатлар билан, нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва омон-

ларға етказиш яхши ташкил этилди.

Мавсум мобайнида ўримға жами 326 та комбайн, шу жумладан, 173 та юқори суръат ва сифат билан ишловчи "Кейс" ком-



Абдуразақ ҚАРИМОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Самарқандликларнинг меҳнат зафари

Вилоят деҳқонлари қишлоқ хўжалиғидаги ислохотларни изчил амалға ошира бориб, галлачиликда қувончли ютуқни қўлга киритдилар. Давлатга дон сотиш шартномасини режаси ошиғи билан урданди. Қабул манзилларига 238 минг тонна сара дон топширилди. Ҳосилдорлик гектар хисобига 50 центнерни ташкил этмоқда.

Муваффақиятларнинг асосий омилли вилоятда галлачилик қарор топган тақриба мактабига таяниш бўлди. Хусусан, иқлим шароитига мос навларнинг яратилиши, танланиши, соҳада илгор агротехниканинг кенг қўлланилиши, ишлаб чиқариш воситаларидан тежамкорлик билан фойдаланилиши яхши самара берди.

Паст Дарғом, Пайарик, Нарпай, Оқдарё тумани деҳқонлари галлачиликда ҳар галгидек қаранбоши бўлидилар. Улар қишлоқ хўжалиғида амалға оширилляётган ислохотлар, деҳқонларнинг ерга, мулкка бўлган эғалик хисси, ўз меҳнатидан маънафаддорлик туйғуси, фидокорона меҳнат нималарға қодир эканлиғини яна бир қарра исботладилар. Маъқур туманларда галла ҳосилдорлиғи 51-58 центнерни ташкил этди. Энг муҳими, галлакорлар келгуси йил учун ўзларига етарли даражада сара уруғлик жамғариб олдилар.

Ишинг кўзини билган бир қатор хўжалиқлари ҳосилдорликда юксак кўрсаткичларға эришиллар. Нарпайдаги Навоий, Бобур номи, Паст Дарғомдаги "Дўстлик", "Ўзбекистон", Каттақўрғондаги Марди Султонов номи, "Пахтакор" ширкат хўжалиқларида, "Сафо бобо", "Табассум", "Бунёд", "Сарбон М.И.", "Ум-син момо" фермер хўжалиқларида ҳосилдорлик 65-70 центнерни ташкил этди.

Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, фермер хўжалиқлари мулкчилик шакли ўзгар-

гандан сўнг деҳқончиликда ҳосилдорлик ва самарадорликни, даромад ва маънафаддорликни мунтазам



“Чеканка раис”

Жўра ака “колхоз”га 12 йил раислик қилди. Ҳаммаси эъло. “План”лари доим бажарилган. Фақат бир нарсга ёмон бўлди. “Жўра ака” деган номини йўқотди. “Чеканка раис” бўлиб қолди.

Темир йўлда бошлик бўлиб ишларди. Обру катта. Тақдирнинг ўйинини қаранг... Халқ колхозга раис қилиб сайланди. Таъдида “ГАЗ-24” – оплоқ “Волга”. Овғига этик кийиб олди. Темир йўл нима-ю, гўза қаерда? Сайланганининг тўртинчи куни эди. Қобони уйилган. Одамларга дўқ-пўнса қилиш керак, бўлмаса ишламайди.

Хуррам аканинг бригадасига борди. Май ойининг охири. Гўза бир қаричлар бўлган. 4-5 та барг чиқарган. Ишчилар чопик қиляпти. Уларнинг бошида ишбоши Сафар...

Жўра ака раис эмасми, далани роса айлади. Гўзаларни кўрди. Ишбоши Сафар олдига келди:

–Келинг, раис бобо! Раис анча жим турди. Асабийлашди. Сафарга қараб ўқрайди.

–Нега иш вайрон? –Ишларимиз... Ишлар... –Шу ишми... ишми шу? – Раис аввал кўрсаттич бармоғи билан никтаб гўзани кўрсатди. Кейин Сафар ишбошининг қорнига турди:

–Эй, хомкалла! Нима аҳмоқчилик бу? Гўзага қара. Гўзага! – Узи билгангани ҳолда раиснинг газоби тошди, – ишласанг ўласанми, а-а?

Ишбоши Сафар хайрон. Боши этик, жим... Раис баттар бақирди:

–Ҳой! Нега чеканка қилмадинг? Сендан сўраяпман. Нега чеканка қилмадинг?

–Ҳозир... раис бобо... чекан... –Ҳой, махмадона! Чопики тўхта. Шу бугун чеканка қилиб чиқсан! Тўшундингми? А-а?

–Майли, раис бобо... майли... Ҳозир чеканка эмас, ягана қилинганни раис идорага бориб билди. Воқеа қиллоққа тарқатилди. Шу-шу “Чеканка раис” бўб кетди.

Еши 70 дан ошди. Тўйми, даврами овози баланглайверса, айёрроқ киши гап ташлайди: “Чеканка раис” тўғри айтаяпти...

“Чеканка раис” жим бўлади. Нафасини ичига ютади.

Ароқнинг касофати

Куват аканинг хотини вафот этди. 60 ёшдан энди ўтган эди. Куват ака уч кунда анча чўкиб қолди. Дўстлар, оғайинлар, биродарлар тазия билдириб кетишарди...

Иўлдошбой кечқурун уйга қайтди. Ҳамкасблари билан. Ошхонада қиттай-қиттай қилишди. Иўлдошбойнинг қайфи ошди. Ҳамкасби Эркин эса бир томчи ичмагандай.

Куват аканинг дарвозаси ёнида одам кўп. Хотинининг маъракаси...

– Иўлдош ака, патияга кириманг, ака. Хотин бўлгандан кейин кетди-да. Улса хотин ўлибди. Узим ўйлантириб қўяман, ака...

– Иўлдош ака, гапирмайсиэ. Кўл кўтарамиз-у чикамиз... Киринишлар. Тасодифни қаранг, Иўлдошбой тўғри боши ҳам бўлиб қайғуда ўтирган Куват аканинг ёнига бориб ўтирди. Оят ўқилди. Дуо қилинди... Иўлдошбой насихатни бошлади:

– Энди, Куват ака, бу бандчилик... Узингни олдиндирманг, ака. Хотин бўлгандан кейин кетди-да. Улса хотин ўлибди. Узим ўйлантириб қўяман, ака...

– Эркин Иўлдошбойнинг биқинига туртди: – Жим-м-м... Жим-м!

Иўлдошбой гапдан тўхтади. Ва ногоҳон дастурхондаги хурмодан қўлга олди. Хаш-паш дегунча 4 тасини еб қўйди. Бешинчисига қўл узатганди Эркин костюмининг ўнгириндан тортиди:

– Жим. Жим ўтиринг... Иўлдошбой тўхтади. Қараса, Куват аканинг олдига катта лаганда анор турибди. Олиб, сиқиб, сувини ича-ича сўзлайверди:

– Хотини вафот этган одам ҳам кўп. Эри йўқ хотинлар ундан ҳам кўп, ака... Биронтасига уйлантириб қўяман, ака. Эркин Иўлдошбойнинг биқинига секин муштлади: “Кетдик...”

– Эртасига қиллоққа дув-дув гап. “Иўлдошбой тазияга ичиб бориб... шарманда бўпти...” Шу-шу... Иўлдош ака заводига ўт кетгуду ароқни ташлаб кетди. 10 йил бўлди. Ҳамон ароқ ичмайди...

“Мукофот”

Надирматовнинг кути учаларга, қиёфаси тундлашган бўлиб мудирни гапни қисқа қилди: –Сизга керак бўлмаса, идорага керак. Туринг, тез ҳаракатингизни қилинг. Қимматроғидан бўлсин!

Надирматов кирк минг сўмга телевизор сотиб олди-да, муовинга ўз қўли билан топшириб уйига йўл олди.

–Узук нима бўлди? Хотининг томдан тараша тўшгандай саволи Надирматовнинг бир дарадини икки қилди.

–Бу қанақаси? – бобиллади эрининг телевизор ҳақидаги баҳонасини зийнатган аёл. – Уз пулингизга ўзингизни мукофотлашадими? Ахир, ўтган йилми шунақа қилиб болашганди. Иннакёйини қуданинг тутилган кунига...

–Телевизорни менга мукофот ўрнида қайтаришган, қуданингига ол кета қоларми, – мингирлади Надирматов.

–Хотининг қўлидан нима ҳам келарди, ахир шу йўлга кўнди...

–Эрталаб бир автобус бўлиб вилоят марказига кетишаркан, мудир Надирматовни имлади: –Утган йилми телевизор билан мукофотланувдигини? –Утган-а, киноя хўяқ билан Надирматов. – “Мукофотланувдим”

–Бўлмаса, бу йил телевизорни Қодирматов олади, каттанинг рўйхатида унинг номини ёздириб қўйдим.

–Ахир, уни нақд қирк мингга... –Бас! – қўл ситлатди чўртқесар мудир. – Улар жойдамасмиэ, сурчишиб қотарилар.

Рустамжон УММАТОВ

ФИКР Полимерлар иккиламчи хом ашё

Атроф-муҳитнинг ифлосланиши инсон ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Ҳозирги пайтда 200 мингга яқин қимматли бирикмалардан фойдаланилмоқда. Полимер материаллардан тайёрланган буюмлар ҳам шулар қаторига кирилади.

Полимер буюмлар арзонлиги тўғрисида турли соҳаларда кенг фойдаланилмоқда. Саноатда ва бошқа соҳаларда ўз мuddатини ўтаган буюмлар ахлатхоналарга ташланади. Бу атроф-муҳитни зарарли бирикмалар билан ифлослайди.

Кейинги пайтда бозорлар, ариқ бўйлари, ахлатхоналарда кўплаб полиэтилен идишларнинг ётганини кўриш мумкин. Табиат бундай полиэтилен қолдиқларини ўз-ўзидан йўқотолмайди. Чунки, уларнинг ўзича тўла парчаланishi учун 200 йил вақт керак бўлар экан.

Шунинг учун бундай буюмларни қайта ишлаш ёки зарарсизлантириш жуда зарур. Полиэтиленларнинг унча-бунча таъсирдан парчаланмаслигини, унинг сув ўтказмаслик хусусияти борлигини ҳисобга олиб, уларни битум таркибига киритиш мумкин. Чунки, битум ҳам полиэтилен каби 180-200 даража иссиқда парчаланмайди, унинг таркибига ўтлеводород миқдори юқори.

Битум-полиэтилен аралашмасини олиш учун дастлаб битум эритилади, сўнгра унга полиэтилен қолдиқлари қўшилади. Полиэтилен битумда эриб, у билан тўла аралашади. Бундай пайтда аралашма ҳарорати 200 даражадан ошмайди. Демак, битум ва полиэтиленнинг фойдали хусусиятлари сакланиб қолади. Аралашма совуған, ундан битум ўрнида фойдаланиладиган материал олинади. Бу эса қимматбахо битумни иктисод қилишда асқатади.

Шу орқали ўз мuddатини ўтаган рўзгороб буюмлари, яъни пленопласт, бўлнка ва бошқада полиэтилен буюмлар ташландиқларидан қайта фойдаланиш мумкин.

Бу жараён қўшимча маблағ талаб қилмайди. Юқорида келтирилган услубни ишлаб чиқариш корхоналарига, қурилишларга тавсия қилинади. Ташландиқларидан асфальт-бетон ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Гўзал БОЙЖОНОВА, Барно УМИРОВА.

ОАО Лизинговая компания "OZQISHLOXOJAJKMAHSHZING" сообщиает о наступлении исполнения обязательств эмитента перед владельцами ценных бумаг. Обязательства эмитента перед владельцами ценных бумаг – Выплата годовых дивидендов. Срок исполнения обязательств – 08.07.2005 года. Порядковый номер сообщения – 08.

(Боши 1-бетда) Енгин хавфсизлиги қоида талабларини бузган ёки уларни бажармаётган 688 нафар раҳбар ва жавобгар шахсларга нисбатан 3 миллион 338 минг сўм миқдорда маъмурий жарималар солинди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан вилоят ва туман ҳокимликлари ҳамда юқори ташкилотларга 940 та ахборотнома ва тақдирнома-лар киритилди. Ташвиқот ва тарғибот ишларига қарамай, жойларда ёнгин хавфсизлигига риоя этмаслик, галласи ўриб олинган майдонларга ўт қўйиб юбориш ҳолати ҳам учраб турибди. Ҳозирги кунга қадар республикамиз бўйича 27 маротаба шундай салбий ҳолат кузатилган бўлиб, сомон ва галла полярлидан тозалаш мақсадида жами 97,5 гектар майдон ёқиб юборилган аниқланди. Келинг, аниқ рақамларга мурожаат этаск.

Барча қурилиш ташкилотлари гулқатига!

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ва “Агроилмдунё” илмий-ишлаб чиқариш корхонаси Мавжуд қишлоқ хўжалиги генофонди базиси оғирдорларнинг жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада таъмирлаш учун Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) ва Ўзбекистон Республикасининг “Section-416 (B)” дастури доирасида танлов савдолари ўтказилиши учун таъмирлаш ва тўлаланишга қуриб фойдаланишга топшириш шартли билан

1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Салар” шаҳарчаси, “Ўзбекистон Гўза уруғчилиги ва селекцияси” илмий тадқиқот институти қошида 300 кв.м. майдон ҳажмида пахта ва беда уруғи намуналари сақланадиган оғирдорлар таъмирлаш ва қуриш. 2. Тошкент шаҳар Академиклар шаҳарчаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлари академияси “Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси” институти қошида 300 кв.м. майдон ҳажмида қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг намуналари сақланадиган генофондлар оғирдорларини таъмирлаш ва қуриш. Бу юртмачи – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ва “Агроилмдунё” илмий-ишлаб чиқариш корхонаси.

Манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани Университет-1 кўчаси, бош иморат. Телефон: 63-96-30; 144-91-53; факс: 63-68-09, уяли алоқа телефони: 157-09-32; 130-21-91. Қурилиш ишлари “Section-416 (B)” дастури доирасида молиялаштирилади.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш ишхотларда ишлаганлиги тажриба ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан

фүқаролик-муомала-хўқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қурилиш танлов савдолари ва нархлари шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги “Агроилмдунё” илмий-ишлаб чиқариш корхонасига сўровнома билан эълон қилинган сўнг 10 кун давомида қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент вилояти Қибрай тумани Университет-1 кўчаси, бош иморат. Телефон: 63-96-30; 144-91-53; факс: 63-68-09, уяли алоқа телефони: 157-09-32; 130-21-91. Ҳужжатлар юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва уларни тақдим этишининг охири мuddати – танлов комиссиясининг шу объектлар бўйича йиғилиш ўтказадиган куни ва соати.

“Оқтошдон” ОАЖ эмиссия рисоласининг кўрсаткичлари:

Table with 2 columns: Description and Amount. Includes items like 'Устав фонди', 'акцияларнинг номинал қиймати', 'акциялар сони', 'нақд акциялар', 'Узловмасхўлат' АҚ, 'меҳнат жамоаси', 'чек инвенторлари', 'эриш сотувда'.

Мазкур эмиссия рисоласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14 март 2005 йил ПК -29 сонли “2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида”ги қарори, Давлат мулк қўмитасининг 2005 йил 17 июндаги 32-сонли қарори ҳамда “Оқтошдон” ОАЖ акциядорларининг 2005 йил 28 мартда Давлат улуши акцияларини 51 фоизига ошириш тўғрисида қарор қилинган қарорларига асосан қўшимча ва ўзгартришлар қилинган.

Ширкат ва фермер хўжалиқлари раҳбарлари, тадбиркорлар диққатига! “Жомий” ОАЖ “Кондор” навли, 2-йил репродукцияли ГОЛЛАНИНГ УРУГЛАН КАРТОШКАСНИНГ СОТМОҚДА. Ҳисоб-китоб – турли шаклда. Телефонлар: 167-93-32; 132-22-63.

Ширкат ва фермер хўжалиқлари, МТП раҳбарлари, тадбиркорлар диққатига! ПОЛИПРОПИЛЕН ШПАГАТИ СОТИЛАДИ

“Ўзгаришгиротаминот” ОАЖ ўз корхонасида ишлаб чиқарилган беда пичини, бугудой сомонини боғлашда ишлатиладиган махсус полипропилен ил-шпагатини нақд пул ёки банк орқали маблағ ўтказиш йўли билан сотмоқда. Пресс-подборшчиники ишлатишда қўлланиладиган бундай полипропилен ишпагатлардан фойдаланиш галла майдонларидан сомонни тез ва сифатли йиғиштириб олиш имконини бериб, даромадингизга даромад қўшади. Манзил: Тошкент шаҳар, Камол Шарипов кўчаси 5-й. Тел. 79-85-01, 79-85-02.

Частная фирма “INFORM ENERGIYA” зарегистрированным (Шайхантахурского р-на г. Ташкента реорганизуется в ООО “INFORM ENERGIYA”. Притензии принимаются в течении одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, ул. Жангох, д. 19 кв. 53.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ДСИ томонидан 2004 йил 8 октябрда яқна тартибдаги тадбиркор Бурхонжаев Шадия номига берилган № 005146 (рўйхат рақами № 030316) рақамли гувоҳнома йўқотганини сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ДСИ томонидан 2004 йил 25 октябрда яқна тартибдаги тадбиркор Бурхонжаев Шадия номига берилган № 005146 (рўйхат рақами № 030316) рақамли хўжоси олиш картаси йўқотганини сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ДСИ томонидан 2004 йил 8 октябрда яқна тартибдаги тадбиркор Бурхонжаев Шадия номига берилган № 005146 (рўйхат рақами № 030316) рақамли хўжоси олиш картаси йўқотганини сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ДСИ томонидан 2004 йил 8 октябрда яқна тартибдаги тадбиркор Бурхонжаев Шадия номига берилган № 005146 (рўйхат рақами № 030316) рақамли хўжоси олиш картаси йўқотганини сабабли бекор қилинади.

Олов билан ўйнашманг

Ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият олиб бораётган фермер Н.Нурбобов 6,5 гектар, шу туманининг “Навий” ширкат хўжалигидаги фермер А.Саидназаров 7 гектар майдонини ёқиб юборганлар. Бу каби салбий ҳолатлар Бўжа, Янгийўл ва бошқа туманларда ҳам кузатилимоқда.

Хораэм вилояти, Хонқа туманидаги “Омад шолкор” фермерлар уюшмаси бошлиғи С.Мадамовини галладан бўшган 3,5 гектардан ортиқроқ майдонни ёқиб юборган. Шу туманининг “Кўрп ёт” қишлоғида яшовчи фуқаро М.Салаевга қарашли 1 гектар, У.Худайбергеновга тегишли 2 гектар майдонларда ҳам ўт қўйиб ҳолатлари қайд этилган. Ушбу аниқланган ҳолатлар бўйича туман ҳокимлиги ва прокуратурасига тақдирнома-лар киритилди ва тегишли тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Аммо бизнинг мақсадимиз буни матбуотда эълон қилиб, киминдир қилмишини ҳаммага ёйиш эмас. Мақсади-миз аҳолига бу ҳолатлар фақат ва фақат ерга, бизни боқадан она заминга озор беришдан бошқа нарса эмаслигини тушунтириш, албатта. Тўғри, жавобгарлар ҳолатига жазосини олади, жаримасини ҳам тўлайди. Аммо бу билан ерга етказилган зиб қопларнингми? Йўқ, албатта.

Авалло, виждонни, инсофи бор одам ҳеч қачон бундай ишларга қўл урмайди. Чунки бизнинг қанча тарғиботу ташвиқотимиз кўп бўлмасин, ҳар кимнинг ўзига инсоф бермас қилин. Ўт қўйишдан олдин бир ўй қўриш-а: бу бизнинг еримиз, бу биз онадек азиз қўрадиган замин. У отабобларимизни боқсан, бизнинг боқмоқда, эртага фарзандларимизни ҳам боқадим. Корнимизни тўқ, устимизни бут қилаётган ернинг эртанги авлодга ҳам ҳаёт инъом этиши ҳақида бир фикр юритиб кўринг. Балки шунда қўлингиз тийлар.

Даврон КАМБАРОВ, Ички ишлар вазирлиги Енгин хавфсизлиги Бош боқармаси муҳандиси, капитан.

Нажмиддин Кубро сабоқлари

(Боши 1-бетда)

Дарҳақиқат, XII аср бошларига келиб Хоразмда футувват тарикати пайдо бўла бошлади. Бу оқим кейинчалик Хожа Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Ясавий, Сулаймон Боқирғоний, Абдулоҳқил Гўлдувоний томонидан қўллаб-қувватланади. Шайх Нажмиддин Кубро футувват, яъни жавонмардийлик асосига қурилган кубровия тарикатида асос солади. Шундай қилиб, Хоразмда тасавуфнинг Ясавия (Жаҳрия), Кубровия (футувват) тариқатлари кенг тарқалиб, халқ ҳаётига чуқур сингди. Қудратли хоразмшоҳлар салтанатининг мафқуравий асосини ҳам ватанпарварлик, тараққиёт ва гўзалликни улуғловчи кубровия тариқати асослари ташкил қилар эди.

Бу тариқат тасавуфнинг энг халқларвар илгор йўналиши сифатида деврили бутун мусулмон шарқида кенг ёйилди. Тасавуф илмининг кўзга кўринган намоёндалари ўзларини хоразмлик буюк шайхнинг эътиқодли муридлари ҳисоблардилар. Шайх Маждиддин Бағдодий, шайх Фаридддин Аттор, Султонул уламо шайх Баҳовуддин Валад, шайх Саъиддин Ҳамавий, шайх Рашиддин Лола ва бошқа кўплаб табаррук сиймо-лар Нажмиддин Кубронинг энг машҳур издошларидан эди.

Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий асарларида ва қатор таъриқларда Шайх валийтарош деб улуғланган Нажмиддин Кубро тасавуфнинг энг инсонпарвар оқими ҳисобланган футувват – жавонмардийликнинг Хоразм, Эрон ва ҳатто Ҳиндистонда ривожланишига ҳисса қўшган. Энг аввало, илҳий неъмат ва қолаверса, буюк сиймлар-қаромат соҳиблари ҳисобланмиш авлиёлар таъсирида шайх даражасига кўтарилган буюк инсон Хоразмда Шайх Ҳамадоний бошлаб берган тасавуф ақидаларини кенг ёйди ва халқ оmmasининг чекизи ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Кубро таълимотида инсон омили биринчи ўринга қўйилган. У инсон тафаккури кучига юксак баҳо бериб шундай дейди: "Валийлик инсон боласига азалдан насибдир, чунки одам Аллоҳ таолонинг суйган махлуқи, парвардигор одамга онга-ақл берган, ботиний нур берган, уни барча мавжудотдан афзал қилиб яратган".

Шарқ мусулмон дунёсидан "Ат-тариқату заҳобия", яъни Олтин тариқат номи билан улуғланадиган бу даврда Кубронинг "Одобун зокирин", "Рисолати ут-турук" каби бир неча асарлари яратилган ва араб, туркий тилларда бир неча бор нашр этилган. Уларда кубровия тариқатининг 10 моддадан иборат ахлоқий-фалсафий асослари ҳақида фикр юритилди.

Бир нарса аён, эътиқодли ҳазрат юрт бошига фожияли кунлар тушганида Хоразмшоҳга ўша юртни ташлаб қочмади, балки кўлга туғ ушлаб юртдошларини Ватан озодлигига чақирди, 76 ёшида қаҳрамонна шаҳид бўлди. Унинг тенгиси жасоратидан руҳланган шогирди Жалолиддин Мангуберди қариб 11 йил мўғул босқинчилари билан курашди. Дунё халқлари тарихида турли хил қаҳрамонликлар қайд этилган, лекин шогирди ва устозининг бунчалик ҳамфикр, ҳамқору ҳамқадамлиги жанг майдонидан намоён бўлган ҳолат фанда маълум эмас.

Дарҳақиқат, Валилар валиси, муаллим ул вақт – замонлар ва вақт муаллими деб ном олган буюк элдошисини Нажмиддин Кубро ўз даврида ва ундан сўнг ҳам неча асрлар юзлаб Жалолиддин, Темури Малликларини, Паҳлавон Маҳмуд каби издошларининг маънавий устозига айланди.

Кубровия таълимоти замонлар ва маконлар оша Осие, Африка, Европа, Америка қитъаларига етиб борди ва "Нурия", "Фирдавсия", "Неъматул-лохия", "Рукна" номи билан турли миллат кишиларининг эътиқоди бўлиб қолди.

Мустикалик йилларида алломанинг асарлари Эрон, Миср, Санкт-Петербург, Париж, Лондон, Истамбул нусхаларидан фото-нусхалар келтирилиб, қайта-қайта нашр этилмоқда, у ҳақда кўплаб рисолалар, мақолалар эълон қилинди. Унинг табаррук номига эҳтиром кўрсатиб, Хива туманида ва Урганч шаҳрида шайх Нажмиддин Куброга атаб боғ ва уй-музей барпо этилмоқда. Унинг волидаи муқтарамаси Биби Хожарбиби хоки поклари кўним топган манзил-мақбара таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. Ҳазратнинг кўна Урганч (Туркманистон)даги табаррук кабридан бир сижим тулроқ келтирилиб, Хива туманидаги Саёт қишлоғига онаси ёнида рамзий мақбара тиклаш режалаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, бу улуғ аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган тасавуф илми ўзининг эзгу гоғларини билан мустикалигимизни муस्ताҳкамлашда катта маънавий сабоқ бўлиб қолаверади.

Комил НУРЖОНОВ,
Халқаро "Олтин мерос" жағғармаси
Хоразм вилоят бўлими раиси,
Абдулла АҲМЕДОВ,
Урганч давлат университети катта ўқитувчиси.

Куча-қўйда пўрмигина кийиниб, гулдор галстуклар тақиб олган учча-мунча ёш-влангларни тўхташиб, "қаерда ўқийсан?" деб сўрасангиз, "институтда", дея гўрур билан жавоб беришадил. Ҳа, бунинг барчаси мустикалик, истиқлол шарофатидан. Ҳўш, бутун худди шундай энги услубдаги олийгоҳларда таълим жараёни қандай кечяпти?

Биз яқинда Жиззах Давлат педагогика институтига бўлиб қайтдик. Истиқлол даврида Мирзасўл қўйнидаги катта шаҳар – Жиззах буткул энги қўёғига кирди. Ҳайратланарли мейморий ғимта эга хижоблар, гулзорлар, спорт иншоотлари вилоятнинг қиёфасини ёқутдек бевади. Таъбир жоиз бўлса, Жиззах Давлат педагогика институти ҳам воҳа ҳўнига ўзига хос кўрк бағишлаб турган илм даргоҳларидан бирдир. Бу ерда мустикалик фикрловчи, кўчли иродали, чуқур билимга эга бўлган, ҳеч бир жиҳатдан ҳеч қимдан кам бўлмаган ёлук, барқамол авлодни тарбиялаш йўлида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Натижада қисқа вақт ичида олийгоҳ минтақадиги энг йирик, ўқув ва илмий марказга айланди. Шу кўн-гача бу илм маскани ўн мингдан зиёд малакали мутахассисларни тайёрлаб берди. Булажақ муаллимларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан барқамол инсонлар қилиб тарбиялаш масалаларига жиддий эътибор қаратилайти.

Зеро, доғишманд шоир Сўфи Оллоёр қўйидаги мисраларида эътироф этгандек:

*Ўқур бўлсанг, ўқ ур нафсинг
қўзига
Қара чин кўз билан мусаввиринга.*



Абдулла Қодирий номи билан аталувчи Жиззах Давлат педагогика институти ўттиз йил илмий фаолият давомида юртимизнинг илмий, маънавий салоҳияти ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. 425 нафар талаба билан фаолият бошлаган илм даргоҳида бутунги кунда

тўққуз факультетда 5699 нафар ёшлар таълим олмақда. Уларга 406 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилар сабоқ беришмоқда.

Илмга чанқоқ навқирон ёшларнинг сафи йил сайин қўлайиб бормоқда. Бунга маълум маънода институтда талабаларнинг фан сирларини кўт ва сабоқ билан ўрганишлари учун барча шарт-шароитларнинг яратиб берилаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Бутунги кунда бу даргоҳда еттита илмий лаборатория, 23 та ихтисослаштирилган фан хоналари, сақкизта техник воситалар билан жиҳозланган ўқув хоналари, ўн та компьютер синфи, учта ўқув корпуси, талабалар уйи, соғломлаштириш профилакторияси, ёнги дам олиш оромгоҳи, махлуслар зали, тўхтабона, маънавий-маърифат маркази, тўғрақ ва сузиш ҳавзалари мав-

ерда очиги, фахрланасак арзийдиган ўғил-қизлар сабоқ олишадир.

– Мамлакатимиз истиқлолни қўлга киритгач, институтимиз фаолиятида ҳам янги-ча давр бошланди, десам асло янглишмаган бўлсам, – дейди Жиззах Давлат педагогика институти ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор Олимжон Дўстматов. – Соҳага доир дастур ва қонунлар талабларидан келиб чиққан ҳолда институтимизда ўқув ва ўқитиш ишларини жаҳон андозалари талабларига яқинлаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Барча хоналар, ўқув марказлари, бўлимлар замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Профессор-ўқитувчиларимиз, талабаларимиз интернет тармоғидан бемалол фойдаланаишадил. Институтнинг моддий-техника базасини замонавий ўқув қуролла-



Кўпчилик эса илмий ишлари устида тер тўкишадир. Институтда илмий-тадқиқот иш-

бошлаб юборишди. Жиззах Давлат педагогика институтида ҳам абитурientларни қабул қилишни расмийлаштириш ишлари қўзғин бормоқда.

Институтда 17 таълим йўналиши бўйича қўндузги бўлимида, 6 та таълим йўналиши бўйича махсус сиртки бўлимида бакалавриатура, 9 мутахассислик бўйича мутахассислар тайёрланади. Чўнччи, математика ва информатика, физика ва астрономия, қимё ва экология, биология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги, география ва истисодий билим асослари, тарих, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, педагогика ва психология, меҳнат таълими, ўзбек тили ва адабиёти, хоржий тиллар ва адабиёти, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият ва бошқалар. Дарслар эса ўзбек, рус ва бошқа чет тилларидан олиб борилади.

– Ҳозирда ҳўжжат топширганлар сони кўп бўлса керак? – сўраймиз институт қабул комиссиясининг масъул котибидан.

– Ҳозиргача жўдаям қўллаб ҳўжжатлар қабул қилинди. Бу мавсумда ихтисодий гуманитар факультетларига бир ўринга 8-10 кишидан тўғри келса керак. Бирок, биз бундан асло ташвиш чекаётганимиз йўқ. Аксинча, мустикал юртимизда ўқитувчилик касбига меҳр-муҳаббат бор ўғил-қизлар ортаётавнидан ниҳоятда хўрсандимиз. Уларнинг билими пўхта, илҳий тафаккури бор, институт ўқитувчилари, муаллимлари талаба ёшлар шўуруни бойитиш, ҳаёт синовлари қошида энгилмас қилиш учун астойдил тер тўкишмоқда.

Аслида инсоният кўп асрлик тариқийи даврида нуқул қоронғулик қўйнига қўл суқиб у ердан ниманидир ёруғликка олиб чиқадил. Албатта, инсон хоҳ иқобий, хоҳ салбий кашфиётлар қўлсин, унинг ҳамма-хаммаси ўқиб, интилиш – қисқаси, илм ортидан, ўша бир пайлар қаламини тўғри ушлашиб қўйган жонқуяр муаллимнинг заҳматлари орқидан. Ниятимиз Жиззах Давлат педагогика институтидан ҳам жонхони пол қолдирадиган соҳиб илмлар етишиб чиқса.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ:

“Ўқур бўлсанг, ўқ ур нафсинг кўзига” ...

Истиқлолимизнинг ўтган ўн уч йили ичида республикамизда, хўсусан олий таълим тизимида катта ўзгаришлар рўй берди. Очиги, эришилган ютуқларни бошқаларга нисбатан қиёслашда, тақ-

ТАЪЛИМ

тарбиялаш муқаддас вазифамиздир". Олимжон Дўстматовнинг таъкидлашича, ўқув-тарбия жараёнида миллий истиқлол гоғларини талаба-ёшлар онгига сингдириш ишлари институт жамоасининг асосий вазифаларидан бирига айланган. Тарбиявий соатларда миллий истиқлол гоғлари, Президент асарлари, ҳўкуматнинг таълим-тарбия соҳасига тегишли қарорлари ва бошқа долзарб масалалар бўйича ташкилий ва маданий-маърифий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ҳар йили институтни қўллаб ёшлар битириб, мутахассислиги бўйича ишлаш учун йўллабна оладилар. Ана шу ёш мутахассисларнинг кўпчилиги республикамизнинг барча вилоятларида ҳамда қўшни Россия, Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва бошқа мустикал давлатларнинг мактабларида, олий ўқув юрталарида, мактабгача тарбия муассасаларида ўқитувчи, тарбиячи, раҳбар бўлиб ишлайтир.

Бемаънилик жазоси

Нақл қилишларича, бир йигит кекса момосининг игнадан ип ўтказганини кўрибди. Шунда йигит етти қадам наридан игнага ип отиб ўтказаман дебди ва узоқ мuddат машқ қилибди. Ва ниҳоят бу ишни узда-лабди.

риб игнага ип ўтказибди. Подшо дарҳол йигитга зар чопон кийдириб сийлабди-да, зарчопон устидан 20 дарра урдирибди. Ҳамма ажабланиб, подшодан бунинг боисини сўрабдилар. "Ўз умрини бекорга ўтказган йигитнинг жазоси шу", дебди подшо.

РИВОЯТ
хўнарингни кўрсат, зора сени сийласа" дебди. Йигит подшонинг ҳузурига йўл олибди. У аёнлар олдидан етти қадам нарида ту-

Инвестор: 000
"КАММАZ ARSENAL"
Адрес: г. Ташкент, ул Братислава 11. Намерен приобрести акции.
Эмитент: ОАО "Қашқадарўлгўржирсаудо"
Тип акция: простая, именная, безаличная.
Количество: 39.000 штук, 30% от Уставного фонда.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги сановат касб-хўна колледжи томонидан 2001 йили Юнусов Бахтиёр Рухисобович номига берилган № 213624 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Тошкент шаҳар Сергели тумани ҳўкимияти томонидан рўйхатга олинган КТХФ "И-Барно" хўсусий фирмасининг макоми ўзгариб, МЧЖ "И-Барно"га айлантирилмоқда. Давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 22-00-09.
Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ томонидан Ўзбекистон Қўрлар жамиятига қарашли Тошкент чўтка ва картон буюмлари ўқув ишлаб чиқариш корхонаси касабга уюшмаси қўмитасига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ "ҒАЛЛАБАНК"

Мустақил юртимиз фуқаролари ва меҳмонларини тобора яқинлашиб келаётган Ватанимиз Мустақиллигининг 14 йиллик байрами билан муборакбод этади ва йиллик 35,0 фоиз ҳисобланиб, омонат мuddати тўзгандан сўнг устама фоиз тўлаб бериладиган "Mustaqillik" номли янги мuddатли омонат турини тақлиф қилади. Омонатни сақлаш мuddати 2 ой бўлиб, маблағлар жорий йил 5 июлдан 1 сентябрга қадар қабул қилинади. Омонат ва унга ҳисобланган фоизлар ўз мuddатида тўлаб берилиши кафолатланади!

Шу билан бирга доғийи равишда амалда бўлган қўйидаги омонат турлари ҳам мавжудлигини маълум қиламиз:

Омонат турини	Мuddати	Йиллик фоиз	Бошланғич бадал (сўмда)	Асосий шартлар
Пластик карточка	Мuddатсиз	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдоридан	1000	Талаб қилиб олинувчи сақланади, фоизлар кўнлик ҳисобланиб, ой охирида капитализация қилинади, агар омонат қадинги 10000 сўмдан кам қолса, шу кўн учун фоиз ҳисобланмайди.
Имконият	6 ой	21,6	10000	Омонат мuddати тўзгандан сўнг маблағни уй-ўрғор ашёси, енгил автомобил, турар-жойлар сотиб олиш мақсадига ишлатилади.
Саломатлик	11 ой	24,0	10000	Фоизлар фақат саёбатга чиқариш ва саломатлигини тиклаш учун сарфланади.
Нафақа-мадалкор	1 йил	21,6	10000	Омонат фақат нафақадўрларга очилади.
Ishonch	3 ойдан – 3 йилгача	21,6-26,4	10000 дан 5000000 гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача мuddатга қўйилиши мўмкин ва тегишли шкала ва ўзаро тузилган шартномага биноан тўлаб берилади.
Luks	3 ойдан – 3 йилгача	22,2-26,4	5000000 дан 10000000 гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача мuddатга қўйилиши мўмкин ва тегишли шкала ва ўзаро тузилган шартномага биноан тўлаб берилади.
Kafolat	3 ойдан – 3 йилгача	22,8-26,4	10000000 дан юқори	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача мuddатга қўйилиши мўмкин ва тегишли шкала ва ўзаро тузилган шартномага биноан тўлаб берилади.
Меҳрибон	18 ёшгача	18,0	10000	Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номита ҳўнийлик асосида махсус очилади ва 18 ёшга тўлгандан берилади.
Kelajak	16 ёшгача	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдоридан	10000	Омонат 16 ёшгача сақланиб, фоизлар молия йили якунида тўланади.
Коммунал омонат	3 ой ва ундан юқори	26,4	100000	Аҳолига уй-жой, коммунал тўловлар хизмати ва электр тўловларини омонатчи иштирокисиз, фоизлар ҳисобидан, банк томонидан тўлаб борилади.

"Ғаллабанк" хонадонигизга барака келтирсин!

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ	ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМА-ЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Фафур ШЕРМУҲАММАД.	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агротранс комплекси таркибидиги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирликлар ва идоралар	ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоватчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, 136-56-15, 133-95-17. Реклама ва эълонлар – 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс – 133-44-43, 133-40-87	ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ: Қоракўлпогон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-22-234-08; Бўҳоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган – 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.	Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар	МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	Навбатчи: Д.УЛУҒМУРОДОВ Саҳифаловчилар: А.ИСМОИЛОВ, Р.ЕДГОРОВ, А.САФОНОВ Мусаҳҳиб: М.АБДУСАМАТОВ
--	---	---	---	--	---	---	--